



ЖАМИЯТ

№ 38 (673)
2019 йил
4 октябрь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий журнал 2009 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.bong.uz jamiyatgzt@mail.ru



Қачонгача томошабин бўламиз?

Like



Яхшилик қил,
сўвга от...



«Регистон» ярим
тунгача ишлайди

Табарруклар
ичра
табаррук

Шогирдининг камолини кўрса, чеккан заҳматларини унутадиган, тоғдек қадди, кадрини ўқувчисининг заррадек ютуғига ал-машишга ҳозир, унинг учун бор меҳри, умри, соғлиғини сарфлашга тайёр бошқа қандай касб эгаси бор ахир?! Шу боис ҳам устозларни хурмат қиламиз.

Кўришамизми,
«шохлашамиз»ми?



**ҚИСКА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИҢГ!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 октябрь куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенкони қабул қилди.

Сарҳисоб ҳар қандай соҳанинг ривожланишини таъминлаб берувчи омилдир. Ўзига хос бу таҳлил қилинган ишларнинг натижаси, шу билан бирга камчиликларни яққол кўрсатадиган кўзгу.

Дардни бошидан ўтказган билади

Парламент Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг сентябрь ойи якунлари бўйича фаолияти муҳокамасида ҳам бир ойлик таҳлил, натижа ва камчиликлар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мазкур ойда қўмита учун энг муҳим бўлган қарорлар қабул қилинди. Қонун ижодкорлиги йўналишидаги айрим ҳужжатларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, қуйи палата ялпи мажлисларида муҳокама қилинган қонун лойиҳаларига қўмита томонидан 31 та тақлиф киритилди.

Муҳокамалар давомида қўмита масъулигида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг ҳолати ҳам таҳлил қилинди. Хусусан, айни пайтда қўмитада «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда депутатлар муҳокамасига тайёрланмоқда. Таъкидлаш лозим, лойиҳани тақомиллаштириш юзасидан 100 дан ортиқ тақлиф келиб тушган. Улар сиёсий



партиялар фракциялари, шунингдек, қонун лойиҳасининг Андижон, Тошкент, Сирдарё вилоятларида ўтказилган жамоатчилик муҳокамалари давомида иштирок этган фаол фуқаролар томонидан билдирилган.

Уларнинг айримларида лойиҳадан 1 та моддани чиқариб ташлаш тақлиф

этилган бўлса, бошқаларида 5 та янги модда киритиш лозимлиги таъкидланган. Ҳар бир тақлиф ортида эса одамлар ҳаёти, инсонлар тақдирини турганини инобатга олиб, лойиҳада акс эттиришга

ҳаракат қилмоқда.

Қўмитада ўтказилаётган муҳокамаларда бугунги кунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда одил судловнинг ўрни, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳисобга олиш масалаларини қонун лойиҳасида акс эттириш масалалари қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўляпти. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ногиронларни ҳисобга олиш тиббий йўсинда амалга оширилиб, ижтимоий мавқеидан келиб чиқмайди. Соддароқ қилиб айтганда, ногиронлиги бўлган шахс тиббиёт муассасаларига мурожаат қилсагина рўйхатга олинади. Бироқ кўпчиликда: у юрولмайдиган, аммо соғлом пенсионер бўлса, деган савол туғилиши табиий. У ногиронлиги бўлган шахслар қаторига киритилмайди. Баҳс-мунозараларнинг боиси ҳам шунда.

Қўмита аъзоси Адҳам Назирқулловнинг таъкидлашича, ногиронлиги бўлган шахсларни протез ортопедия буюмлари билан таъминлашда муаммолар мавжуд. Бироқ уларни ишлаб чиқариш бйрон қонунда акс этмаган.

Шу сабабли мазкур қонун лойиҳасига протез ортопедия буюмларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишни тартибга солувчи нормаларни киритиш лозимлиги таъкидланди. Депутатнинг тақлифи мазкур деб топилди ва керак бўлса, ана шундай корхоналарга бориб, уларнинг муаммоси ўрганиладиган бўлди.

Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахсларни санаторий курорт муассасаларида, олдий касалхоналарда даволяниши учун ордер бериш тартиби ҳам очиқ қолаётгани қўмита аъзоларида эътирозларга сабаб бўлмоқда. Ушбу масалани қонун ташаббускорлари билан муҳокама қилиб, имкон қалар лойиҳада акс эттиришга келишиб олинди.

Мазкур қонун лойиҳаси қўмитада кўриб чиқилаётган 2 та муҳим ҳужжатлардан биридир. Бундан ташқари, сентябрь ойида 3 та конференция, 2 та назорат таҳлил ишлари олиб борилди. Йиғилиш давомида октябрь ойида қўмита томонидан амалга ошириладиган ишлар режаси келишиб олинди.

Шуҳрат ТУРСУНБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Меҳнат ва ижтимоий масалалар
қўмитаси раиси ўринбосари

Жазо чоралари энгил бўлса, унинг аҳамияти бўлмайди

Депутат фикри

Тиббиёт тизими ходимлари «Адолат» СДПнинг асосий электорати ҳисобланади. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга доир қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш, Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракциясининг асосий устувор вазибаларидан бири.

Афсуски, сўнгги вақтларда беморлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан тиббиёт ходимларига нисбатан гайриқонуний равишда таъвоуз қилиниши, айрим вазиятларда ҳеч қандай айби бўлмаса-да, беморнинг ўлими ёки соғлигининг ёмонлашишида ҳеч бир сабабсиз шифокорни айблаш ва унга таъвоуз қилиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тақдим этган маълумотларга кўра, биргина ўтган йилнинг ўзида 400 га яқин шундай ҳуқуқбузарлик содир этилган. Бу рақамлар ўз-ўзидан тиббиёт ходимларини таъвоуздан ҳуқуқий муҳофаза этиш чораларини янада кучайтириш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўтган йил 39 та ҳолатда юқоридаги каби салбий ҳолатлар бўйича жабрантанлар томонидан тегишли органларга мурожаат қилинган. Ачинарлиси, аксарият ҳолларда таъвоуз қилган шахслар жавобгарликка тортилмаган ёки муносиб жазо берилмаган. Ваҳоланки, жиноят ва маъмурий қонунчилигимизда жавобгарликнинг муқаррарлиги

деган муҳим принцип мавжуд.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, бугунги кунда замонавий технологияларнинг ривожланиб бориши натижасида тиббиёт ходимларига нисбатан таъвоуз қилиш ҳолатларини ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиш ҳолатлари кўп кузатишмоқда. Бу ҳам қайсида маънода айни ҳолатга доир салбий иллатлар урчишига сабабдир.

Бу каби ҳолатлардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракциясининг бир гуруҳ депутатлари томонидан тиббиёт ходимларининг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, уларга нисбатан содир этиладиган таъвоузуларга нисбатан юридик жавобгарликни янада кучайтириш мақсадида махсус қонун лойиҳаси тайёрланмоқда.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги коллекция янги 1984-модда киритиш тақлиф этилмоқда. Модданинг номи — «Тиббиёт ходимининг касбий мажбуриятларини ба-

жаришига тўсқинлик қилиш ёки унинг ҳаёти ёхуд соғлиғига таъвоуз қилиш» таҳририда белгиланди. Ушбу ном ҳуқуқбузарлик мазмунини акс эттиргани учун, унинг диспозициясини — «Тиббиёт ходимининг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик, унга фаол қаршилик кўрсатиш, уятли сўзлар билан сўқилш, ҳақорат қилиш, уриш, дўппослаш, қийнаш ёки унинг

моддалар билан жавобгарликка тортса бўлади-ку?! Масалан, ҳақорат учун жавобгарлик бор, тан жароҳати етказганлик учун ҳам тегишли моддаларда жавобгарлик белгиланган-ку?» қаби-лида саволлар туғилмоқда. Ёки жамоатчилик орасида «таъвоузуларга кўп ҳолатларда тиббиёт ходимларининг ўзлари сабабчи», деган қарашлар ҳам мавжуд. Лекин айрим вазиятларда ҳеч

«**Модданинг санкцияси, яъни жазо белгиланган қисми қуйидагича баён этилмоқда: «энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади».**

ҳаёти ёхуд соғлиғига таъвоуз қилувчи ҳаракатларни содир этиш» таҳририда баён этиш орқали таъвоуз ҳаракатлари кенгроқ ёритилмоқда.

Модданинг санкцияси, яъни жазо белгиланган қисми қуйидагича баён этилмоқда: «энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади».

Айрим ҳуқуқшунос экспертларда «бундай қонунни қабул қилиш шартми, тиббиёт ходимларига таъвоуз қилинса, бошқа

қандай айби бўлмаса-да, беморнинг ўлими ёки соғлиғи ҳолати ёмонлашишида ҳеч бир сабабсиз шифокорни айблаш ва унга таъвоуз қилиш, натижада эса тиббиёт ходимларининг кенг жамоатчилик ўртасидаги обрўси пасайишига, шифокорларнинг меҳнатта муносабати ўзгариб, ўз касбидан безиб кетиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Биз қонун ижодкорлари, айниқса, тиббиёт ходимларининг ўз электорати деб белгиланган сиёсий партия вакиллари бу боралда ўз сўзимизни айтишимиз зарур.

Аксарият шифокор эксперт-

ларимиз жавобгарлик чораларининг оғирроқ ва қатъий бўлиши тарафдори. Улар «белгиланганидан жазо чоралари энгил бўлса, унинг аҳамияти ҳам бўлмайди», деган фикрда.

Ўйлаймизки, бу масалани янада чуқурроқ таҳлил этишимиз, бундай салбий ҳолатлар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш кўрсаткичлари, таъвоузкорларга белгиланган жазо чоралари ҳамда уларнинг ижро этилиши, шунингдек, мазкур ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланишига оид хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳам атрафлича ўрганиш талаб этилади.

Бу норманинг қонунга киритилишидан қўзланган асосий мақсад — фуқароларни жавобгарликка тортиш эмас, балки шундай ноқонуний ҳаракатлар учун жазо чораси борлигини эслаштириш. Энг устувор мақсад эса, салбий ҳолатларнинг профилактикаси. Бундай чорани қонунга киритиш, уни кенг тарғиб этиш орқали қонуннинг тарбиявий аҳамияти ортали.

Умид қиламизки, ушбу янги қонун лойиҳасининг кенг жамоатчилик иштирокидаги муҳокамалардан сўнг, қабул қилиниши ва амалга киритилиши кўп сонли тиббиёт ходимларининг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиришига, уларни турли қиринишидаги таъвоузулардан ҳимоя этишга хизмат қилади.

Шуҳрат ЁҚУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Инга Корея ташкил топган кун муносабати билан табрик йўллади.

Яқинда Гулистон шаҳрида хизмат сафарида бўлганимизда, мактабгача таълим тизими ташкилотларидан бир нечасининг фаолияти билан танишдик. Тан олиш лозимки, қатор йиллар давомида эътибордан четда қолиб кетган мазкур йўналишга кейинги йилларда муносабат кескин ўзгарди. Натижада мактабгача таълим муассасалари шаклан замонавий қиёфа касб этиши билан бир қаторда, мазмунан ҳам ўзгариб, болажонларнинг соғлом ва сифатли таълим-тарбия олиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Янгидан қурилатган, капитал таъмирдан чиқарилаётган боғчаларни кўриб, кўз қувонади. Бироқ қайси жойда бўлмайдик, мактабгача таълим муассасаларига болаларни жойлаштириш бора-сидаги навбатлар билан боғлиқ муаммоларга дуч келдик. «Бағишамол» маҳалласида жойлашган 17-мактабгача таълим ташкилоти мудираси Барно Олимованинг айнан навбатлар билан боғлиқ муаммо тўғрисидаги фикрлари билан қизиқдик.



МТТга навбатларда ким айбдор?

— Бизнинг мактабгача таълим ташкилотимизнинг қуввати 350 нафар болани тарбиялаш имконига эга. Кўриб турганингиздек, болажонлар учун барча шароитлар яратилган, малакали, ўз касбининг фидойиси бўлган мутахассисларимиз ҳам етарли. Бироқ болаларни МТТларга қабул қилиш Давлат хизматлари марказига ўтказилганидан бери навбатлар масаласида қатта чигалликлар пайдо бўлмоқда. Бизда бўш ўринлар бор, лекин ДХМ йўлланмаси бўлмаса, болани қабул қилиш ҳуқуқига эга эмасмиз. Мана, айнан бугунги кунда боғчамизда 286 нафар бола тарбияланмоқда. Бу 64 ўрин вақант деганидир. Бизга мурожаат қилган ота-оналарга бўш ўрин борлигини билдирамиз, йўлланма олиш учун Давлат хизматлари марказига бориши лозимлигини билдирамиз. У ерда эса йўлланма беришмайди. Натижада ота-оналар ўртасида ҳақли равишда турли норизоликлар пайдо бўлмоқда.

га келиб, фалон боғчада бўш ўрин бор эканлигини айтиб, йўлланма беришларини талаб қилишадди. Бироқ биз фойдаланадиган Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган электрон навбат тизимида бўш ўрин кўрсатилмагани боис, йўлланма беролмаймиз. Тўғри тушунинг, электрон тизимнинг ўзи бўш ўринлар пайдо бўлиши билан автомат тарзда йўлланмани беради. Биз уни расмийлаштирамиз, холос.

ни электрон тизимнинг ўзи автомат тарзда аниқлаб беради. Лекин мактабгача таълим ташкилотларининг раҳбарлари учун Давлат хизматлари маркази ходимлари томонидан мактабгача таълим вазирлиги томонидан электрон базани шакллантириш ва юритиш бўйича ташкил этилган махсус семинарларда тушунтиришлар берилган. Шунга қарамасдан, айнан боғча мудираларининг айби билан махсус электрон

давлат хизматлари марказининг маълумотига кўра, 1721 нафарни ташкил этади. Мантқан уйлаб кўрилганда, бунча навбат бўлиши мумкин эмас. Негаки, агар Мактабгача таълим вазирлигининг Гулистон шаҳар бўлими томонидан тақдим этилган маълумотлар

қатор муаммолар мавжуд. Хабарингиз бор, 2019 йилнинг 1 июлида EMIS бошқарув ахборот тизимида болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича ишлар бошланган эди. 2019 йилнинг 30 июлидан Ўзбекистон Мактабгача таълим вазирлигига мавжуд аризалар ва ота-оналар мурожаатларининг чуқур таҳлили асосида инсон омиллини камайтириш имконини берувчи дастурни мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш учун электрон ариза юбориш бўйича хизматлар синов тарзида қайта тикланди, — дейди Сирларё

Ушбу маълумотлар 2019 йил 6 сентябрь куни олинган

№	Худуддаги 3-7 ёшли болалар сони	Режадаги қуввати МТТ маълумоти	Тарбияланувчилар сони МТТ маълумоти	Бўш ўринлар МТТ маълумоти	Электрон базала кўрсатилган қуввати	Электрон базала кўрсатилган тарбияланувчилар сони	Навбат ку-таётганлар сони жами	Электрон базала кўрсатилган бўш ўрин
4-МТТ	210	170	162	8	кўрсатилмаган	173	153	0
10-МТТ	469	350	344	6	кўрсатилмаган	353	584	0
17-МТТ	320	355	286	69	кўрсатилмаган	248	209	0
18-МТТ	140	160	146	14	кўрсатилмаган	129	134	0
«Қувонч» МТТ	539	510	549	0	кўрсатилмаган	605	641	0

Демоқчиманки, биз оғзаки гап билан ҳеч кимга, ҳеч қандай ҳолатда ўз истагимизга кўра йўлланма ёзиш имкониятига эга эмасмиз, — дейди Гулистон шаҳар давлат хизматлари маркази раҳбари Иномжон Йўлдошев.

Гулистон давлат хизматлари

база тўлиқ ва аниқ шакллантирилмаган. Шу боис шаҳардаги 19 та МТТ мудираларининг барчасига интизомий чора кўриди.

Давлат хизматлари маркази томонидан тақдим этилган Гулистон шаҳридаги баъзи мактабгача таълим ташкилотларининг электрон базага жойлаштирилган маълумотлари билан Гулистон шаҳар мактабгача таълим бўлими томонидан тақдим қилинган маълумотларни таққослаб кўрдик.

Жадвалда кўриниб турганидек, ушбу бешта МТТ да давлат хизматлари маркази учун тақдим қилинган биронта ҳам бўш ўрин йўқ. Гулистон шаҳар мактабгача таълим бўлими тақдим этган маълумотга кўра эса ушбу бешта МТТда 96 та бўш ўрин мавжуд. Ушбу МТТларга навбат ку-таётганлар сони эса

тўғри бўладиган бўлса, ушбу МТТлар жойлашган худудларда 3-7 ёшли болалар 1678 нафарни ташкил қилади. Фаолият юритаётган давлат МТТларнинг қуввати 1545 нафар болага мўлжалланганини инобатга олсак, навбатлар сони бор-йўғи 133 нафарни ташкил қилиши керак. Бу ҳолатни фарзандлари ҳали боғча ёшига етмаса-да, навбатга кўйишга йўйиш мумкин. Бироқ соҳа мутасаддилари бу ҳолатни ҳам яхшилаб ўрганиб, таҳлил қилиб чиқса, фойдадан холи бўлмайди.

Давлат хизматлари маркази мутахассислари боғчаларга навбатларнинг пайдо бўлиши ва ундаги чигалликларга мактабгача таълим ташкилотларининг ўзларига биркитилган вазифага масъулиятсизлик билан ёндашганида деб сабаб кўрсатганидан сўнг биз изоҳ сўраб, тегишли мутасаддиларга учрашдик.

— Электрон тизимни мудиралар томонидан тўлиқ ва аниқ тўлдириш ва доимий равишда янгиланган бориси билан

таълим бошқармасининг ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими бош мутахассиси Ихтиёр Маҳкамов. — Сизлар айтган ҳолатлар фақатгина Гулистон шаҳрида эмас, вилоятимиздаги барча МТТларда мавжуд. Биз тез кунларда мудираларимиз томонидан EMIS бошқарув ахборот тизимини доимий равишда аниқ ва тўлиқ маълумотлар билан тўлиқ борлишини таъминлаш чораларини кўрамиз. Ҳозирда бу борада ишлар олиб бораёмиз.

Ушбу фикр ва мулоҳазалардан кўринадики, муаммо тушунмовчиликдан келиб чиқмоқда. Мактабгача таълим ташкилотларига болаларни жойлаштиришнинг электрон тизими одамларнинг мушкуллини қийинлаштиришга эмас, осон ва шаффоф бўлишга қаратилганини соҳа мутасаддилари инобатга олиб, масалаларни жиддий эътибор қаратса, ҳаммаси изига тушади.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
Давлатназар РЎЗМЕТОВ,
«Жамият» мухбирлари

« Давлат хизматлари маркази томонидан тақдим этилган Гулистон шаҳридаги баъзи мактабгача таълим ташкилотларининг электрон базага жойлаштирилган маълумотлари билан Гулистон шаҳар мактабгача таълим бўлими томонидан тақдим қилинган маълумотларни таққослаб кўрдик. »



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайерни миллий байрам – Германия бирлиги куни билан табриқлади.



«Регистон» ярим тунгача ишлайди

«Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ҳукумат қарори қабул қилинди.


Унга қўра:
— «Боги балан» ва «Боги Шамол» боғлари жойлашган манзилни аниқлаш орқали қайта ташкил этилади ва тарихий қиёфаси қайта тикланади;

— «Шероз қалъа», «Добуссия», Ревдат шаҳарчаси — Кофир қалъа,

Афросиёб шаҳарчасидаги археологик ёдгорликлар ЮНЕСКО билан келишган ҳолда реставрация қилинади;

— археологик ёдгорликлар ҳудудида «очиқ осмон остидоги» музейлар ташкил қилинади ва ташриф буюрувчиларни электрон ҳисобга олиш тизими жорий этилади.

2019 йил 1 октябрдан бошлаб, туризм мавсуми давомида (март-ноябрь) «Регистон» комплекси ҳар кун соат 7:00 дан 24:00 гача ишлайди.



Бензин нархи пасайдими?

«ЎзРГХБ» АЖда ўтказилган биржа савдо натижаларига қўра, биржа бозорининг турли товар сегментларида нархларнинг устувор равишда пасайиши кузатилди.

Кўриб чиқилаётган давр мобайнида 3720,7 тонна АИ-91 русумли бензин биржа савдоларига қўйилди. Шундан 3402,5 тонна солиди. Сўнгги савдо ҳафтасида АИ-91 русумли бензини бўйича шакланган биржа котировкаси аввалги ҳафтага нисбатан 0,7% га пасайиб, бир тоннаси учун 6409,7 минг сўмни ташкил этди.

Юртимизда 78 турдаги кучли таъсир қилувчи моддалар бор

«Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарор билан, 78 турдаги кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхати ҳамда жиноий ҳаракатни таснифлашда ушбу моддаларнинг кўп миқдор кўрсаткичлари тасдиқланди.

Шунингдек, қарор билан ушбу рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни тайёрлаш эксперт гуруҳи таркиби тузилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамда ахборот воситаларининг кучли таъсир қилувчи моддаларни сотиш ҳамда уларнинг ноқонуний муомаласи бўйича ахборотини, дори воситаларини ноғибий мақсадларда истеъмол қилиш мониторинги натижаларини кўриб чиқиш Эксперт

гуруҳининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Эксперт гуруҳи ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.



Чорва ҳайвонлари учун суғурта

Чорва ҳайвонларини суғурталаш учун суғурта қилдирувчининг озгаки ёки ёзма мурожаати бўйича ихтиёрий равишда суғурталовчи билан шартнома тузилади.

Бу ҳақда «Аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектларда парвариш қилинаётган чорва ҳайвонларини суғурта қилиш тартиби тўғрисида»ги низомда тасдиқланди.

Белгиланишича, суғурта қилдирувчи суғурта муқофоти тўлайди ва унга суғурта полиси берилади.

Суғурта ҳодисаси (суғурталанган ҳайвоннинг ноубуд бўлиши, ўғирланиши ва мажбуран сўйилиши) рўй берганда бу ҳақда далолатнома тузилади.

Суғурта қилдирувчининг аризаси ва тақдим этилган тегишли ҳужжатларга асосан суғурта товони тўла берилади.

Чемпион спортчилар ҳокимга маслаҳатчи бўлади

«Халқаро тоифадаги Ўзбекистон спорт устаси», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвонларига эга бўлган спортчилар, Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионати, Ўзбекистон чемпионати совриндорлари Андижон вилояти туман (шаҳар) ҳокимларига жамоатчилик асосида жисмоний тарбия ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчи этиб бириктирилади.

Бу ҳақда куни кеча қабул қилинган «Андижон вилоятида ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда спорт иншоотлари қувватидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қароридан белгиланди.

Шунингдек, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Андижон давлат университетининг сиртки бўлимида «Спорт фаолияти» таълим йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланади.

Болалар учун янги мактаб

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги «Баркамол авлод» республика ва ҳудудий болалар марказлари негизда Республика ва ҳудудий «Баркамол авлод» болалар мактаблари ташкил этилди.

Бу ҳақда Президентимизнинг «Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари

ҳузуридаги ахборот-ресурс марказлари негизда «Болалар кутубхоналари» ташкил этилди.

Бундан ташқари, 2020-2023 йилларда Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида «Баркамол авлод» болалар мактаблари ҳузурида 100-200 ўринли «Болалар сайёҳлик базалари» ташкил этилади.

«Баркамол авлод» болалар мактабларида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб «STEAM — таълим» дастури жорий этилади.

Сурхондарёда сел сув омбори қурилади

Вазирлар Маҳкамасининг «Сурхондарё вилояти Сарносиё туманида Обизаранг сел сув омборини қуриш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси эълон қилинди.

Қайд этилишича, бош лойиҳа ташкилот «Ўзсувлоийҳа» АЖ томонидан 13,15 миллион куб метр ҳажмдаги сел сув омбори қурилиши назарда тутилган «Сурхондарё вилояти Сарносиё туманида Обизаранг сел сув омборини қуриш» лойиҳасининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилган.

Лойиҳани амалга ошириш муддати 2023 йил 30 апрелга белгиланмоқда.

«Халқаро қишлоқ аёллари куни»

Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 15 октябрь санасини «Халқаро қишлоқ аёллари куни» сифатида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқулланди. Бу ҳақда «Ўзлаварантин» инспекцияси ахборот хизмати расмий сайти орқали эълон қилди.

Ҳукумат томонидан агросаноат йўналишидаги вазирлик ва идоралар, шу жумладан, «Ўзлаварантин» инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига жорий йилнинг 15 октябрь кунини тегишли тадбирлар ташкил этиш топширилган.

Маълумот учун: *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2007 йил 18 декабрдаги йиғилишида 15 октябрь «Халқаро қишлоқ аёллари куни» деб расман эълон қилинган. Бугунги кунда дунёнинг кўп қисми давлатларида маъзур сана халқаро қишлоқ аёллари куни сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.*

«Жамият» муҳбири Баҳринисо МАДУМАРОВА тайёрлади.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти 2020 йил учун докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчиликка ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Ихтисослик шифри ва номи	Ажратилган қабул квотаси	
		*ТД	**Д
1	08.00.04 — «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти»	4	1

Қисқартмаларга изоҳ:

*ТД — таянч докторантура (PhD)

**Д — докторантура(DSc)

Ҳужжатлар 2019 йилнинг 15 октябрга қабул қилинади.

Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантурага кириш учун суҳбат 2019 йилнинг йили 1 — 25 ноябрь кунлари оралагида ўтказилади.

<http://www.phd.mininnovation.uz/> тизимидан рўйхатдан ўтиш лозим.

Мурожаат учун манзил: 100140, Тошкент шаҳри Университет кўчаси 2-уй, Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти биноси.

Телефонлар: (90) 358-61-64, (90) 930-22-94



21 ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайлов соҳасида иш тажрибасига, аҳоли ўртасида ҳурматга эга фуқаролар вилоят, туман, шаҳар ҳамда округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзоси бўлиши мумкин.

Қачонгача томошабин бўламиз? Ёхуд ижтимоий тармоқлар кундалик дафтари эмас



ФАН-ТЕХНИКА ШИДДАТ БИЛАН РИВОЖЛАНИБ, ТЕЗКОР АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ КУЧАЙИБ БОРАЁТГАН XXI АСР ИНСОНИАТ УЧУН БИР-БИРИДАН ЎЗИБ БОРАЁТГАН ИМКОНИАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТМОҚДА. БУНИ ТЎҒРИ ҚАБУЛ ҚИЛАЁТГАНЛАР БИЛАН БИР ҚАТОРДА, УЛАР ҚАРШИСИДА ДОВДИРАБ, ЎЗИНИ ЙЎҚОТАЁТГАНЛАР, ЎЗЛИГИНИ УНУТАЁТГАНЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС.

Технологиянинг илғор ютуғи

Интернет шундай майдонки, унда фойдаланувчиларнинг миллати, манзили, ёши, жинси, характер-хусусияти танланмайди, фарқланмайди. Маълумотлар барчага бирдек тақдим қилинади. Ер шарининг қайсидир бурчагида туриб, узоқ-узоқ манзилда жойлашган иккинчи макондан эълон қилинган ахборотни қабул қилиш ёки мулоқотга киришиш мумкин. Бу замонавий технологиянинг илғор ютуғи.

Шу жиҳатдан интернет тармоғи маълумотлар базаси, узоқни яқин қилувчи мулоқот майдони сифатида инсоният учун, замон ва макон учун ниҳоятда муҳим, долзарб аҳамиятга эга. Бу, айниқса, тадқиқотчилар, илмий изланувчилар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, яқинлари, ватанидан йироқдагилар, жисмоний имконияти чекланганлар учун гоат катта амалий ёрдам. Аммо бугун дунёнинг қайси манзилда бўлмасин, ушбу имкониятлардан ҳою-ҳавас йўлида, гаразли мақсадларда, билиб-билмай фойдаланувчилар кун сайин кўпайиб бораётганини кузатиш мумкин. Бу эса бўш вақт тугул, асосий вақтни ҳам беҳу-

Миллийлик — инсон тақдирининг олий мезони

Ҳар ким ўз хоҳиш истаги, заруратига кўра ижтимоий тармоққа мурожаат қилади. Кимдир илмини ошириш истагида маълумот олади, кимдир ўзгаларга фойда илнжиди зарурий маълумотларни улашади. Яна кимлардир тижоратини ривожлантиришда фойдалангани, турли сабаблар билан узоқлашганлар мулоқот ўрнатишади. Кимлардир эса ўз шароит, имкониятларини ўзгаларга кўз-кўз қилиш, мақтанш, шов-шув бўлиш илнжиди. Яна кимлардир эса турли ахлоқсизлик, шармандаликларини ҳеч иккиланмай, бутун оламга намойиш этади. Ана шу охириги икки қатлам бугун кўпайиб, ҳаддидан ошиб бормоқда.

Ўз талаб ва истакларига чегара қўя олмаётган, ўзини ёки ўзгаларнинг ноҳуш вазиятларини намойиш қилиб, овоза бўлишдан гурурланаётганлар сон-саноксиз. Бу жараёнларни кузатар экансиз, нафақат миллий манфаатларимизга, миллий қадриятларимизга, умуман, инсонийлик мартабасига нолайиқ ҳолатлар кенг илдири отиб бораётганидан беихтиёр ёқа ушлайсиз. Наҳотки, мавжудотлар ичра азиз ва шариф саналган инсон шу даражада тубанлашса... Ону тафаккури билан ҳайвонотдан фарқланган, қадрланган одамзод ўзлигини шу даражада унутса, топтаса, техник воситаларнинг қушанда-сига, кулига айланиб борса? Ўз-ўзини бошқармаса, тийил-маса... Андиша, ор-номус, ибодат деган юксак инсоний қадриятларни шу техник қурималар орқали оёқ ости қилса? Энг ачинар-

лиси, уларни ҳеч ким ёки ҳеч бир қоида назоратга олмаса, тиймаса, турткиламаса, уйғотмаса...

Инсон қарда ва қандай ҳолатда яшамасин, ўзи туғилган оила орқали жамиятга мансуб, муайян миллатнинг вакили. Ўзида ижтимоийлик, онглилик, миллийлик мезонларини сақлаб қолади. Ўзбек нафақат Ўзбекистон, балки дунёнинг ҳар бир бурчида — бутун ер шарда ўзбек! Бошқа миллатлар ҳам худди шундай. Миллийлик инсон тақдирини яралиши билан, тунлишиданоқ битиб қўйилади ва уни ўзидан кейин ҳам қолдириб кетади. Инсон яралди, муайян миллат вакили, муайян жамият бўғини, муайян давлат фуқароси. Унда ижтимоийлик устувор, дахлдорлик устун. Шундай экан, у ўзи мансуб жамият ва миллат талабларига итоат этиши, ҳисоблашиши, жамият ва миллат манфаатларини назарда тутиши, оёқ ости қилмаслиги шар! Акс ҳолда у инсонийлик чегарасидан чиққан ҳисобланади. Ижтимоий тармоқларда турли шармандали ҳолатларда намоеъ бўлиб, ачинарли кўринишлари билан оммаланиши, овоза бўлиши хуш кўраётганлар ана шу инсонийлик, миллийлик мезонларига беписанд, ўзлиги, «мен»ини йўқотиб бораётган ожиз қатлам. Уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, «текин томоша»ларидан завқланиш, ўзгаларга улашиш ҳам айнан ўшалар каби гўр ва нодонликка ишора.

Жамиятга нисбатан оғир ҳақорат

Хусусан, сўнгги вақтларда катта шов-шувга, баҳс-мунозарага сабаб бўлаётган бозорчи аёллар ўртасида содир бўлган кескин тортишувни эътиборга олайлик. Ижтимоий тармоқда кенг тарқалган ушбу видеоларда бозорчи аёлнинг жой таллашиб, юзсизларча бақирчақир қилиши, ҳеч кимдан, ҳеч бир давлат органидан қўрқмаслигини кўрсатиб, манмансираб, ҳайқириниб, бўралатиб сўкиши, яна камига баҳслашаётган аёлачангаллаб ёпиши ниҳоятдатубан ва жир-

канч лавҳа. Аёллик шаънига номуносиб, миллат манфаатига зид ҳаракат. Шундай шиддатли вазиятда эса ён-атрофдагилар фақатгина томошабин. Ҳеч ким аёлга қаттиқроқ танбеҳ бермайди, оддий кузатувчи, баъзилар шунчаки бош чайқаб ўтиб кетишади. Фурсатдан фойдаланган абжирлар ушбу лавҳани эринмай, бамайлихотир видеога олишган. Жанжалкаш аёл эса бу вазиятда ўзини қаҳрамон ҳисоблаб, янада куошқондан чиқиб кетган. Шеригини устига ваҳшийларча ташланган. Бу ҳодисага қандай изох бериш мумкин? Бунчалик очқўзлик, худбинлик, юзсизликнинг боиси нима? Ўзлигини кўрсатишими? Ибрат бўлишими? Кўрқитишими? Ўзбекона андиша, оқибат, ҳиммат, бағрикенглик, ҳам-жиҳатлик қани? Аёл зотига хос лафофат, малоҳат, ҳаё-ибо, уят қарда қолди? Мақсад учун, манфаат учун шу қадар тубанлашиш шартми? Наҳотки, атрофдаги томошабинларда шу аёлни тийиб қўйгани жасорат топилмаса? Фурур топилмаса?

Хуллас, бундай вазиятлар жуда аянчли ва ачинарли, миллат, жамиятга нисбатан оғир ҳақорат. Кимлар учундир жуда қизиқ оддий томоша бўлишига қарамай, ушбу лавҳа кўпчиликда ғазаб ва нафрат уйғотади, миллатсеварлик, инсонийлик туйғуларини ларзага солади. Ваҳоланки, ижтимоий тармоқларда бундай бир-бирдан шармандали, бир-бирдан ҳайратли, бир-бирдан бемаъни лавҳаларни кўплаб учратиш мумкин.

Азалдан ўзбек халқида сўзлашиш, мулоқот, муомала маданиятига катта эътибор бериб келинган. Овозини баланлатишда эҳтиёткор, андишали бўлиш, қўни-қўшни, ён-атрофдагиларга шовқин-сурон, жанжаллар билан ҳалақит бермаслик, барчага бирдек ҳурмат-иззат кўрсатиш, жамоат жойида ўзини тута билиш талаб қилинган. Аммо бизнинг назаримизда, ушбу инсонийлик мезонлари бугунги кунда аста-секинлик билан хиралашиб бормоқда.

«Лайк»лар сони муҳимми?

Шунингдек, ижтимоий саҳифалар орқали турли маълумотларни (овқатланиш, ухлаш, ювиниш, кулиш,

йиғлаш, жанжаллашиш), ижтимоий шароитини (уй-жой, кийим-кечак, нарсабуюм) ва яқин оиласи, қариндош-уруғ, таниш-билишларини мунтазам намойиш қилиб бориш ҳам урфга айланиб улгурган. Айниқса, эл наздидаги санъаткорлар орасида бу янаям оммалашган. Ушбу намойишлар орқали томошабинлар эътиборида бўлиш муҳимми ёки саҳифа обуначилари кўриши билан тўпланадиган «лайк»лар сони муҳимми?

Бу ҳам ўзига хос жавоблар талаб қилади. Интернет тармоғида фотосурат ёки видеолар жойлаш, фикр-муносабат билдириш учун яратилган шароитлар саҳифа яратувчиларнинг ақл-заковати маҳсули бўлса ҳам, уларнинг моддий манфаатларини назарда тутса ҳам фойдаланувчи, обуначиларда, албатта, ахборотлар билан ишлаш компетенцияси (медиа маҳсулотларни, видео, аудио маълумотларни, асарларни саралаш, танлаш, фарқлаш, таҳлил қилиш, қабул қилиш, етказиш) шакланган бўлиши зарур. Бинобарин, юқоридаги каби салбий ҳолатлар, акс таъсирларни кўлаб кузатишимиз, инсоний, миллий тароққий ёлдилрагини издан чиқаришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, биз ўзининг узоқ тарихий илдири, бой маънавий-маданий мерослари, миллий негизлари, қадриятлари эга халқимиз, буюк миллатимиз! Ана шу миллийлигимизни сақлаш, маънавий мезонларига, маърифат манзилларига таяниш, руҳий камолотта интилиш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз, ўзлигимиз ва миллатимиз, она Ватанимизга садоқатимиздир!

Феруза АЗИМОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи



«Дирилиш Эртуғрул» сериалининг продюсери Мехмет Бўздоғ келгуси ойда «Жалолиддин Хоразмшоҳ» фильминини Ўзбекистон ва Туркияда суратга олишни бошлади.

Игна билан қудуқ қазишдек машаққатга менгзалган, дунёдаги энг улуғ, энг азиз, ҳамиша ардоқли касб — ўқитувчилик экани исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Айнан шу касб соҳиблари туфайли ҳарф таниймиз, сўз битмоқни ўрганамиз, одамийлик сабоғини оламиз.

Дарҳақиқат, ҳалқимиз устоз деган шарафли номни улуғлаб келаётган барча ўқитувчи ва мураббийлар

Президентимизнинг 1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан барча педагог ва мураббийларга йўллаган байрам табригида ҳам «Бизнинг барча саяй-ҳаракатларимиз

рига байрам табриги Тошкент вилояти ҳокими вазирасини бажарувчи Рустам Ҳолматов томонидан ўқиб эшитирилди. Шундан сўнг Юртбошимиз фармонига мувофиқ, Ватанимизнинг юксак орден ва ме-



Табарруқлар ичра табарруқ




«Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак» деган ғояни амалга оширишга қаратилмоқда», дея бугунги таълим ислохотларининг асл моҳиятини бир сўз билан,

олдида ҳамиша таъзимда. Негаки, инсон камолотида таълим-тарбиянинг ўрни ва аҳамияти нечоғлик беназир бўлса, шарафли ва машаққат-

лан, аниқ-равшан ифодалаб бердилар.

Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳридаги «Металлургия» маданият саройида мазкур



«Шогирдининг камолини кўрса, чеккан заҳматларини унутадиган, тоғдек қадди, қадрини ўқувчисининг заррадек ютуғига алмашишга ҳозир, унинг учун бор меҳри, умри, соғлигини сарфлашга тайёр бошқа қандай касб эгаси бор ахир?! Шу боис ҳам устозларни ҳурмат қиламиз. Шу сабаб ардоқлаймиз, суямиз, эъзозлаймиз.»

ли касб заҳматкашларининг фидокорона меҳнати ҳам ана шундай таъриф ва таҳсинга сизмас буюк жасорат.

сана муносабати билан тантанали маросим ўтказилди. Президентимизнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийла-

даллари билан тақдирланган вилоят вакиллари — ўқитувчи ва мураббийларга мукофотлар топширилди.

— Азалдан аён ҳақиқат бу: шогирдларнинг ютуғи — устознинг ютуғидир, — дейди «Шуҳрат» медали соҳибни, Пискент туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Ирода Муллажоновна. — Айни пайтда устоз муваффақияти юксак миқёсда этироф этилиши шогирдларнинг ҳам муваффақиятидир. Шу сабаб бугун икки карра шодман. Йиллар давомида юзлаб болаларнинг жажжи қўлларидан тутиб, уларга ўқишни, ёзишни ўргатдим. Кези келганда ҳаёт сабоқларидан дарс ўтдим. Шукрки, бугун шогирдларимнинг барчаси ҳаётда ўз ўрнига эга. Қай бир ташкилот эшигини қоқмай, албатта, бир ўқувчим, «устоз келинг, нима хизмат» дея ёнимга келади. Бундан чексиз фахрланаман. Бу ютуғимни йиллар мобайнида ўз устимда ишлаганим, ҳар бир бола билан тиллаша олганим меvasи, деб биламан.

Шогирдининг камолини кўрса, чеккан заҳматларини унутадиган, тоғдек қадди, қадрини ўқувчисининг заррадек ютуғига алмашишга ҳозир, унинг учун бор меҳри, умри, соғлигини сарфлашга тайёр бошқа қандай касб эгаси бор ахир?! Шу боис ҳам устозларни ҳурмат қиламиз. Шу сабаб ардоқлаймиз, суямиз, эъзозлаймиз.

Маросимда алоҳида меҳнат ютуқлари, юксак ватанпарварлик намунасини кўрсатиб келаётган 20 нафар ўқитувчи ва мураббий вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Уларнинг ҳар бирига замонавий ноутбук тақдим этилди.

Даврон АҲМАД,
«Жамият» муҳбири

Хориждан қолишмаймиз!


Самарқанд тумани қадимий кентнинг «яшил белбоғ»ига қиёсланади. Бунга сабаб эса туман деҳқонлари, соҳибкорлари томонидан йил давомида аҳоли дастурхонининг тўкинлиги таъминланаётганидир. Туман ер майдонларининг азалдан унумдорлиги, одамларининг доимий меҳнатга чанқоқлиги ана шу «яшил белбоғ» баракасига барака қўшиб келмоқда.

Бугун фермерлар даласига боқиб кўзингиз тўймайди. Мева ва сабзавотлар ёз мобайнида саҳий қуёш нуридан баҳра олди, ўзида инсон организми учун энг зарур дармондориларни жамлади. Айни дамда мезон шамолига тўйиниб, полизу мевазорларга барака бахшида этмоқда.

Дарвоқе, бу майдонларда ҳар йили етиштирилаётган мева-сабзавотлардан нафақат туман ёки Самарқанд шаҳри аҳолиси, балки бутун Ўзбекистон баҳра олмақда. Қолавер-

етказиб бериш билан шугулланаётган корхонамизда 15 нафар малакали ҳайдовчи меҳнат қилмоқда. Янги хориж автомобиллари келтирилгач, яна 40 ишчи ўрни яратилади.

Мамлакатимизнинг «Кокко-кола», «Агромир» каби нуфузли саноат корхоналари ҳамда кўплаб фермерлар билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. «Ўзагротранс» бизга таъсисчи сифатида яқиндан ёрдам бермоқда. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини асосан Россия ва Қозғистонга етказиб



бермоқдамиз. Шу билан бирга айни кунларда эса Россия ва Украина давлатлари ишбилармонларига узум ва пиёз етказиб бераймиз.

Йил сайин корхо-

на фаолияти кенгайиб, хизмат даражасини ошириб боришга ҳаракат қиляпмиз. Республикаимизнинг 7 та вилоятида филиалларимиз мавжуд. Бундан ташқари, маҳаллий шароитдаги кўплаб хуёусий автомобиллар эгалари ҳам биз билан шартнома асосида ишлаяпти. Шу ўринда айрим фермерларнинг от-уловдан ҳам ўз ўрнида фойдаланишга ҳаракат қиляётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Уларнинг от устида ястаниб ўтиришига ҳавасим келади. Улуғ ажодларимиз бу жониворни йигитнинг қаноти деб бежиз айтишмаган-ла...

Биз билан ҳамкорлик қиляётган хорижликларнинг ҳам отларимизга қизиқиши бошқача. Германия ишбилармонлари билан эндигина бошланган ҳамкорлигимиз келгусида фаолиятимизнинг янада кенгайишига, иқтисодийтимизнинг барқарорлаштишига, келажакда кўплаб янги иш ўринлари яратилишига хизмат қиляди.

Германия ишбилармонлари билан эндигина бошланган ҳамкорлигимиз келгусида фаолиятимизнинг янада кенгайишига, иқтисодийтимизнинг барқарорлаштишига, келажакда кўплаб янги иш ўринлари яратилишига хизмат қиляди.

«Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК томонидан 14.12.2016 йил 53 рақами билан Инаков Баҳром Раҳимовичга берилган хизмат гувоҳномаси йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Анвар МАЪРУПОВ,
Самарқанд туманидаги «Диор» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

НОЛС

«Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК томонидан 14.12.2016 йил 53 рақами билан Инаков Баҳром Раҳимовичга берилган хизмат гувоҳномаси йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Эндиликда криптовалюталар ишлаб чиқарувчилари электр энергияси ҳақини уч карра оширилган коэффицент бўйича тўлайди.

Узоқ йиллар маҳаллий

ҳокимият тизимида ишлаганим боис кўп қишлоқларда бўлганман. Қандай масала бўлмасин, қишлоқ фаоллари билан учрашишимга тўғри келган. Қишлоқнинг маънавий муҳитига таъсир кўрсатадиган бу тоифа кишилар ўзлари яшайдиган хўжалик ёки тумanning бошқарув тизимида фаолият юритаётган ёки юритишган бўлиб, аксарияти яхшигина обрўга эга. Улар тақдир сўйлаган лавозим сабаб бироз димоғдор, лекин четдан келган кишига, агар у расман ташриф буюрган бўлса, самимий илтифот кўрсатишни ҳам ўрнига қўйишади. Умуман, ўз аҳли ўртасида ҳурматга эга бўлгани учун бундай одамларга маҳалладошлари ҳурмат билан муносабатда бўлишни кўп кузатганман.

— Наҳотки, шундай мактаб (боғча, йўл)ни сиз курган бўлсангиз? Жуда катта маблағ кетган-ку?!

— Давлатнинг пулига қурилган. Лекин мен елти-югурганман.

— Мен курганман деганингизда, ўз пулингизга курганмисиз, деб ўйлабман, узр.

Албатта, бу гапим киноя эканини тушунимай, тўғри қабул қилишган. Вақтида тўрт томонга чопишмаганида бундай қурилиш амалга оширилганини айтиб, гуруланишади. Шу гап билан ўз-



ларини фидойи қилиб кўрсатишга ўрганиб қолишган.

«Ўнг қўлинг қилган ишни чап қўлинг билмасин» деган гап бор. Чунки яхшилик қилганини айтиш миннат, миннат эса таъмага йўғрилган бўлади. «Уни курдим, буни курдим» дейиш, ҳурмат ортириш учун қилинган тамалан бошқа нарса эмас. Гарчи улар назарда тутган ишлар давлат маблағи ҳисобидан бунёд бўлган. Демак, ўзганинг меҳнатини ўзлаштириб олиш, эскичасига айтганда гуноҳ, айни паллада бу ҳолатни ноҳақликка йўйиш мумкин.

Яна бир воқеа ёдимга тушди. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида қишлоғида (артезиан) қудуқ қаздиришни йиллик режага киритишни сўраб, узоқ тумандан бир одам ҳар ҳафта — ўн кунда келарди. Унинг муаммосини мутахассислар ўрганиб чиқилган, оиласи ва яна бир неча хонадон яшайдиган жой

қишлоқдан бир қақирим нарида бўлиб, режага киритилган тақдирда ҳам, артезиан қишлоқнинг кўп аҳоли яшайдиган қисмида қазилиши, тинимсиз мурожаат қилаётган кишининг хонадони ва қўшниларига қувур тортиб, ичимлик суви бериш ҳулосаси берилганди. Шикоят ёзишининг ҳадисини олган бу одамнинг бир неча бор юқори ташкилотларга бориши, охир-оқибат «у айтган жойдан қудуқ қазилиб, сув чиқарилсин», деган топширик билан якунланди.

Орадан уч-тўрт йил ўтиб, бизга кўп бор ёзма ва оғзаки мурожаат қилган ўша одам билан яна учрашдим. Қишлоқ аҳолиси ўртасида сув масаласида чиққан низонни ўрганиш учун узоқ туманга борсам, можаро ескиб чиқишига сабаб бўлган киши бизга ақиддан таниш ўша одам экан. Артезианни мен қазганман, деб бир қақирим нарида яшаётган қишлоқдошларига сув бермаётган экан.

— Сув қудуғи давлат маблағи ҳисобидан қазилган. Нера аҳоли ундан фойдаланишига тўсқинлик қилиясиз?

— Харажат қилинганда, улар ўзларини четга олишганди. Энди тайёрга айёрликми?

— Қанақа харажат? — дедим гапига тушунмай.

— Икки йил Самарқандга, Тошкентга қатнадим. Йўл ҳақининг ўзига қанча пул кетишини бир чаалангчи. Энди тайёрга айёр бўлишмоқчи булар.

Аҳолига қишлоқда артезиан қудуғи қазилишига шу одамнинг ҳам ҳиссаси борлиги, лекин халқ учун бу қилган иши унга кимга сув бериш, кимга сув бермаслик ҳуқуқини бермаслигини тушунтириб, масала ижобий ҳал этилишига эришилганди, ўшангла.

Яқинда бир имом-ноиб иштирокида маҳалла аҳли билан «маънавият соати» ўтказдик. Қайтишда ноиб маҳалласида қайта қурилаётган масжидни кўришга таклиф этди. Кўркам қилиб қурилган бино томига мовий рангдаги маҳобатли гумбаз ўрнатилган, усталар пардозлаш ишларини амалга оширяпти. Бинога ҳавас билан тикилганимни кўрган ноиб мақтанди.

— Бу масжидни икки йилдан буён қуряпман. Насиб қилса, яқинда ишга тушираман.

— Одамлар ҳам қарашаяптими? — дедим унинг гапидан сергақлаиб.

— Халқнинг кучи билан қуриляпти, албатта. Менда бунча маблағ қайда?

Хуршид НУРУЛЛАЕВ,
ёзувчи

**«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади**

2019 йил 4 ноябрь куни соат 11:00 да Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқасида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги объект қўйилмоқда:

«Термиз нефть база» масъуляти чекланган жамиятига тегишли бўлган Узун туман «Оқтумшук» ҚФЙ Оқтумшук маҳалласи, ҳудудда жойлашган умумий майдони 4,16 га бўлган 100 бош қарамолга мўлжалланган «Чорвачилик комплекси» бино иншоотлари мажмуа ҳолда қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси: 4 542 879 000 сўм.

Савдола иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объект билан «Термиз нефть база» масъуляти чекланган жамияти маъсул ходими орқали танишишлари мумкин.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, 2019 йил 1 ноябрь соат 18:00 гача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 4 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо голиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажармаса, такрорий аукцион савдоси 2019 йил 15, 29 ноябрь, 13, 27 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоси голиби савдо ўтган

кундан бошлаб 5 (беш) календар куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган санадан бошлаб, томонлар келишувига асосан мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар закалат келишуви тузилганидан кейин, объект бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдоринда «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Траст банк» Термиз филиалидаги (МФО:01063. ИНН:304558702), 2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари ва закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами);

Юридик шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда. СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:

«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ

Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси.

Телефон: (76) 223-77-83,

Хизматлар лицензияланган.

Лицензия RR -0291.

**«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади**

1. 2019 йил 04 ноябрь куни соат 11:00 да Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқасида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Сурхондарё вилоят «Агрокимёҳимоя» ҲАЖга тегишли бўлган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда.

1. Музрәбод туман «Чегарачи» маҳалласи ҳудудда жойлашган умумий ер майдони 822,75 кв.м бўлган Минерал ўғит тарқатиш шохобчаси биноси: Бошланғич баҳоси: 10 700 000 сўм.

2. Музрәбод туман «Тонг юлдузи» маҳалласи ҳудудда жойлашган умумий ер майдони 664,17 кв.м бўлган Ўғит тарқатиш шохобчаси биноси: Бошланғич баҳоси: 8 400 000 сўм.

3. Музрәбод туман «Орият» маҳалласи ҳудудда жойлашган умумий ер майдони 841,22 кв.м бўлган Минерал ўғит тарқатиш шохобчаси биноси: Бошланғич баҳоси: 47 900 000 сўм.

4. Сарийсё туман «Анорзор» маҳалласи ҳудудда жойлашган умумий ер майдони 486,40 кв.м бўлган Ойборхона биноси: Бошланғич баҳоси: 19 900 000 сўм.

2. «Термиз нефть база» масъуляти чекланган жамиятига тегишли бўлган Узун туман «Оқтумшук» ҚФЙ Оқтумшук маҳалласи, ҳудудда жойлашган умумий майдони 4,16 га бўлган 100 бош қарамолга мўлжалланган «Чорвачилик комплекси» бино иншоотлари мажмуа ҳолда қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси: 4 542 879 000 сўм.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, 2019 йил 1 ноябрь соат 18:00 гача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси, соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги мулклар 2019 йил 4 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ёки савдо голиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан

сўнг шартнома шартларини бажармаса, такрорий аукцион савдоси 2019 йил 15, 29 ноябрь, 13, 27 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Савдола иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объект билан «Термиз нефть база» масъуляти чекланган жамияти ва Сурхондарё вилоят «Агрокимёҳимоя» ҲАЖ масъул ходимлари орқали танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб, 10 (ўн) календар кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган санадан бошлаб, томонлар келишувига асосан мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар закалат келишуви тузилганидан кейин объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдоринда «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Траст банк» Термиз филиалидаги (МФО:01063. ИНН:304558702), 2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари ва закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами);

Юридик шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда. СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:

«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ Термиз

шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси.

Телефон: (76) 223-77-83,

Хизматлар лицензияланган. Лицензия RR -0291.



Тошкент давлат аграр университети томонидан олиб қилинадиган техникалар божхона тўловларидан озод қилинади.



Бугун миллий урф-одатларни келажак авлодга юксак даражада етказиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу интилишларнинг барчаси ҳақимиз тинчлиги, миллий хавфсизликнинг таъминланиши, фаровон ва бахтли турмуш кечирishi учун хизмат қилади, албатта.




КЎРИШАМИЗМИ, «ШОХЛАШАМИЗ»МИ?

Шундай экан, миллий қадриятларимиздан бири бўлган саломлашиш масаласи бугунги кун тартибига тўғри қўйилиши ва жамиятга тўғри таъбиқ этилишига қаратилган. Гўёки, арзимагандек туюлса-да, лекин ҳамма ишларимиз, айнан, саломлашишдан бошланишини инутмаслигимиз керак. Ана шу оддийгина салом-алик ҳам айни кунда миллий қадриятларимиз, менталитетимиз доирасидан анчайин четга чиқиб кетаётганини тан олиш лозим.

Илк кўз-кўзга тушганда, инсонлар бир-бирининг кайфиятига ё ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши бор гап. Бирор узрли сабабсиз бундай инсоннинг кайфиятини бузиш — ҳам унинг демократик ҳуқуқини бузиш, ҳам уноҳга элтувчи ҳолат эмасми!? Ўйлаб кўринг-а, агар инсонлар бир-бирига дуч келганида табассум улашса, очик чеҳра билан мурожаат қилса, рисоладагидек саломлашса бу каби дилни хира қиладиган ҳолатлар юзага келмайди. Бир кўришда оддий ҳаракат туюлса-да, лекин бунга табассум қўшилса, инсон кайфиятига қанчалар ижобий таъсир кўрсатади.

Халқимиз орасида чиройли саломлашиш кўникмасини қайтадан юксак маданият даражасига кўтариш, бир-бирига табассум ила муносабатда бўлишдек юксак фазилатли ёшлар онгига синдириш кенг қамровли тарғибот ишларини талаб қилади. Биз чиройли саломлашиш, хушмуомала бўлиш маданиятини тарғиб қилишни олий таълим муассасалари ёки корхона ташкилотлардан эмас, балки оиладан, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаймиз. Лекин ёшларимиз улайгани сайин янгича саломлашиш услублари кўпайиб бормоқда. Нафақат ёшлар, балки катталар ҳам эринчоқликданми ёки қизиқишдан, бир-бири билан бош уриштириб кўришмоқда. Айрим ривожланган давлатларда мактабгача таълим муассасаларига болалар келганида илк машғулот табассум қилишни ўргатишдан бошланар экан.

Урф-одат, қадриятлар миллатнинг, халқнинг кўзгуси ҳисобланади. Қайси мамлакатта борманг, аввало, у ердаги халқларнинг урф-одатига қизиқиш билдиришингиз табиий. Сабаби, уша халқларнинг гурури, ифтихори ҳисобланган аъёна ва одоб-ахлоқи уларни халқ сифатида шакллантирган қадриятларидан иборат. Ҳар қандай давлат бирор қонун қабул қилмасин ёки қайсидир халқро ҳужжатларга қўшилмасин, авваламбор, миллий қадриятлари, урф-одатларига қай даражада мос келишини инобатга олади. Тўғри келмаса,



бундай қонун ва ҳужжатларни рад этади.

Ҳозирги пайтда ёшларимиз орасида саломлашиш масаласида қандай одатлар шаклланимоқда ва оммалашиб кетмоқда, миллий қадриятларимиздаги саломлашиш этикети қай даражада, деган савол устига савол туғилади. Айниқса, бугунги кунда урф бўлаётган бош уриштириб саломлашиш ёки елкаларни бир-бирига текказиб кўйиш каби одатлар бизга хосми? Бу каби одатлар

қардан кириб келмоқда? Кимлардан ўрнатилганми? Бунинг замирида нима далел ётибди? Гўёки, кейинги пайтда ўз одоб-ахлоқидан, қадриятларидан «уялаётган» кишиларга ўшаб қолаётгандекми, назаримда. Ахир, ота-боболаримиздан асрлар мобайнида шаклланиб келган ва қадрият даражасига айланган кўлимизни кўксимизга қўйиб саломлашиш одоби нега бугун турли хил кўришдаги саломлашишларга ўрнини бўшатиб бормоқда?

Балки кўлини кўксига қўйиб саломлашишдек чиройли одатимизни халқимиз орасида тезда оммалаштириб бўлмас, лекин бу масала бўйича бош қотириш вақти келмадими? Бизга кўл бериб кўришиш нима беради-ю, кўлини кўксига қўйиб кўришиш нима беради? Она тилимизга мурожаат қилсак, «кўл бериб кўришиш» ҳолатларини ифодаловчи жумлаларга кўп дуч келамиз: «кўлини силкиб кўришди», «кўл ташлашди», «кўлини узаттиси келмади», «кўл учиди кўришди», «кўлини чўзгиси ҳам келмади», «кўлини чўзди-ю, лекин кўзи

бошқа жойга қаради» ва ҳоказо. Кўл бериб саломлашиш ҳақида гап кетганда, гигиена масаласини ҳам инобатга олиш лозим. Кўл бериб сўрашаётган кишилардан бири нозик дидли, ўз гигиенаси ҳақида қайғурувчи инсон бўлиши, иккинчиси эса бунинг акси бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан олиб қараганда, бизнинг қадриятларимиз хорижий меҳмонлар, сайёҳларга ҳам ёқини табиий. Негаки, жуда кўп давлатларда кўл бериб кўришишни ҳуш кўришмайди.

Бошини бир-бирига уриштириб кўришиш эса бизнинг на миллатимизга, на маданиятимизга хос. Бундай кўришиш дўстликнинг ҳам, ҳамдардликнинг ҳам белгиси эмас. Охириги ўн-ўн беш йилда жуда урфга айланган «оммавий маданият»нинг бир кўрилиши, холос. Аслида, унинг нималигини билмай туриб, одатга айлантириб олдик. Ҳўш, энди болаларимизни бу йўлдан қандай қайтарамиз. Миллатимизни қандай сақлаб қоламиз? Бундай саволлар жуда кўп, бироқ ечими биргина одамга эмас барчамизга боғлиқ. Бу борада Юртбошимиз томонидан 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, мактаб ва лицейларда «Тарбия» фанининг ўқитилиши назарда тутилгани ҳам бежиз эмас.

Халқимизнинг кўлини кўксига қўйиб саломлашишдаги табассумли юз ифодаси юқори даражадаги одоб-ахлоқни ифодалаш билан бирга, сўхбатдош билан сўхбатга киришиш аввалида унда илк ижобий таассуротни уйғотиши, сўхбатнинг самимий ва кўтаринки руҳда бошланишига хизмат қилади.

Аччиқ бўлса-да, бугуннинг ҳақиқати шуни кўрсатмоқдаки, айрим ёшларнинг қадриятларимиз, миллий ахлоқ-меъёрларимиздан узоқлашиши натижасида турли нопок йўлларга кириб кетиши кузатилмоқда. Аъёнларимизни оммалаштириш, бир жиҳатдан, уларнинг олдини олишга хизмат қилса, иккинчи томондан, илму маърифатли, маданияти юксак халқ сифатида дунёга танилишимизга хизмат қилади.

Яқинда, миллий спортишимиз курашнинг дунёда донги кетишига ҳисса қўшган, замонавий кураш асосчиси Комил Юсупов ва бир гуруҳ спорт мутахассислари билан шу масалада сўхбатлашиб қолдик. Чиндан, миллий спортишимиз курашнинг бошқаларидан ажралиб туришининг асосий сабабларидан бири курашимиз қоидаларига спортчилар ўзбекона қадриятимизга хос тарзда кўлларини кўксига қўйиб саломлашиш киритилган. Япон, Корейс, Хитой ва бошқа халқларнинг спорт турларида

ҳам ўз қадриятлари, саломлашиш одоби акс этганини инобатга олсак, кураш қадриятларимизнинг катта тарғиботчиси экани ойдинлашди. Бу дегани, миллий қадриятларимизнинг бир қисми бўлган кураш дўстлик гоёларига йўғрилгани голибликка фақат ҳалол йўл билан эришилиши, миллий қадриятлар орқали миллатимизнинг бағрикенглик ва мардонворлигини кўрсатади.

Улуғ мақсадлар кичик қадамлардан бошланади. Шу маънода, саломлашиш одоби, қадриятларимизнинг кенг тарғиботи, дунёга ўз сўзимиз ва юзимиз бўлган аъёнларимиз билан пешвоз чиқиш сўзсиз ироқларнинг тошқин дарёларга айланганидек акс-сабо беради. Ёшларга кўлларини кўксига қўйиб «Ассалому алайкум!» жумласини чиройли айтишни ва унга тўлиқ алик олишни ўргатишимиз лозим.

Камол УСМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтини кафедраси бошлиғи, фалсафа
фанлари бўйича фалсафа доктори,
доцент

5-ҲАВО	
1 октябрь	+28°C
2 октябрь	+24°C
3 октябрь	+25°C
4 октябрь	+27°C
5 октябрь	+27°C
6 октябрь	+27°C
7 октябрь	+28°C
8 октябрь	+12°C
9 октябрь	+11°C
10 октябрь	+11°C
11 октябрь	+14°C
12 октябрь	+13°C
13 октябрь	+13°C
14 октябрь	+11°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси. Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

«Фуқаролик жамияти — Гражданиское общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир Максуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир ҳайъати:

Рустам Комилов
Рустам Қосимов
Борий Алихонов
Акмал Саидов
Шавкат Жавлонов

Газета таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-1014 Адади: 1402.

Жума куни чиқади. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Набатчи: Баҳринисо Мадумарова

Дизайнер: Беғали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.

Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@mail.uz
Газета индекси — 131
«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

ЎЗА яқуни:
Топширилган вақти: 19.35
1 2 3 4 5



Осиё Тараққиёт Банки Ўзбекистонга қуввати 25 мегаватт бўлган гидроэлектростанциялар қуриш учун 60 миллион доллар миқдорида кредит ажратилишини маъқуллади.